

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

27-сон
(163)
2005 й.
июль

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

189. «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги ПҚ-117-сон қарори

Учинчи бўлим

190. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 июлдаги 155-сон қарори
191. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 6 июлдаги 156-сон қарори
192. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 6 июлдаги 157-сон қарори

Бешинчи бўлим

193. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта учун бўнаклаш ва хисоб-китоб қилиш мақсадларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг хисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 8 июндаги 52, 218-В-З-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 июлда 1149-З-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
194. «Аҳолига қонун ҳужжатларига мувофиқ бепул тиббий ёрдам кўрсатаётган стационар даволаш муассасалари учун дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиб олиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 21 июндаги 56, 4-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 июлда 1487-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
195. «Давлат мулкчилик шаклидаги юридик шахслар томонидан чет элда корхоналар ташкил этиш, устав фондида иштирок этиш, қайта ташкил этиш ва корхоналарни тугатиш, чет эллардаги давлат мулкини сотиб олиш ва тасарруф этиш масалаларини келишиш ҳамда чет элдаги давлат мулкини сақланиши ва уларнинг самарали бошқарилиши устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ташки иқтисодий алоқалар агентлигининг 2005 йил 2 июндаги 01/06-18/02, НН-01/10-2454-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 июлда 1488-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
196. «Ногиронлар ва пенсионерларни санатория-курорт йўлланмалари билан бепул таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 24 майдаги 99, 44-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 июлда 1489-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- 197.«Кимёвий ва биологик маҳсулотларга буюртманомаларни шакллантириш ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини улар билан таъминлаш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2005 йил 4 майдаги 115-сонли бўйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 июлда 1490-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- 198.«Уй-жойларни Ўзбекистон давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки «Ўзуйжойжамғармабанк» муассасалари орқали сотиб олиш тартиби тўғрисида ги низом ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруби, Молия вазирлигининг 2005 йил 11 июндаги 13/14, 60-сонли қарори. (*2005 йил 6 июлда давлат реестридан чиқарилди*)

- 199.«Портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, саклаш, транспортда ташиш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тўғрисидаги йўрикномани тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг 2005 йил 25 майдаги 3, 78-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 июлда 1491-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- 200.«Ўзбекистон Республикаси худудида портловчи материалларни автомобиль транспортида ташиш қоидаларини тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг 2005 йил 25 майдаги 4, 79-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 июлда 1492-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- 201.«Ўзбекистон Республикаси худудида портловчи материалларни темир йўл транспортида ташиш қоидаларини тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг 2005 йил 25 майдаги 5, 80-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 8 июлда 1493-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш холати тўғрисида 2005 йил 2 июлдан 8 июлгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

189

Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сонли Фармонини ижро этиш юзасидан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ва «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунларини изчил амалга ошириш мақсадида:

1. 2010 йилгача телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, маълумотларни узатиш ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг мақсадли йўналишлари 1-иловага* мувофиқ;

2010 йилгача маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш дастури 2-иловага* мувофиқ;

Миллий ахборот-қидирав тизимини шакллантириш ва ривожлантириш дастури 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш (А.Н. Арипов) ўз мажлисларида ушбу қарор билан тасдиқланган мақсадли йўналишлар ва Дастурлар бажарилишини мунтазам равишда муҳокама этиб борсин.

2. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда, тасдиқланган мақсадли йўналишлар ва дастурий тадбирлардан келиб чиқсан ҳолда, ахборот технологиялари ва электрон хужжат айланмасини қўллаш, Интернет тармоғида ахборот ресурсларини шакллантириш ва уларни муттасил янгилаб бориш бўйича аниқ тадбирларни ишлаб чиқсан ҳамда уларни тасдиқлаш учун компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашга киритсан.

3. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасида маҳсус ваколатли орган этиб тайинлансан.

4. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги:

бир ой муддатда маҳсус ўқув курсларини ишлаб чиқиши ҳамда тасдиқланган мақсадли йўналишлар ва дастурлар амалга оширилиши учун масъул бўлган маҳаллий давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органларининг мутахассис кадрларини ахборот технологияларини қўллаш ҳамда электрон хужжат айланмасини тадбиқ этиш, Интернет тармоғида ахборот ресурсларини шакллантириш бўйича амалий кўниммаларга ҳар йили ўқитиб боришни таъминласин;

2006 йилнинг I чораги охиригача вазирликлар ва идоралар билан биргаликда

* 1—3-илвалар берилмайди.

Интернет тармоғида миллий ахборот-қидирув тизимини яратсин ва унда умум фойдалана оладиган ахборот ресурсларини жойлаштирысинг, ушбу тизимни янада кенгайтириш ва унинг жаҳон ахборот майдони билан интеграциялашув чораларини кўрсинг;

икки ой муддатда электрон ракамли имзолар калитларини рўйхатдан ўтказиш марказларини давлат томонидан рўйхатга олиш тартиби хамда уларнинг фаолияти тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсан ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсинг.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансинг.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 июль,
ПҚ-117-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

190 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 5 июль,
155-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 5 июлдаги 155-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 11-сон, 73-мода):

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидан «ва жисмоний» сўzlари чиқариб ташлансин;

б) қарорга 2-иловада:

2-банддан, 6-банднинг иккинчи, учинчи хатбошидан, 9-банддан «ва жисмоний», «ёки жисмоний» сўzlари чиқариб ташлансан; 4-бандда:

биринчи хатбошидан «бундан қўйидагилар мустасно» сўzlари чиқариб ташлансан;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансан;

5-бандда:

учинчи хатбошидан «ёки жисмоний» сўzlари чиқариб ташлансан;

олтинчи хатбошида «жисмоний ва юридик» сўzlари «юридик» сўзи билан алмаштирилсан;

14-бандда:

«а» кичик банднинг учинчи хатбоши, «б» кичик банднинг иккинчи хатбоши, «з» кичик банд чиқариб ташлансин;

«а» кичик банднинг тўртинчи хатбошидан «ёки жисмоний» сўзлари чиқариб ташлансан;

36-банднинг иккинчи хатбоши, 49-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбоши чиқариб ташлансан;

55-банднинг иккинчи хатбошидан «лицензиат — жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзили» сўзлари чиқариб ташлансан.

в) Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга 2-илова ўз кучини йўқотган деб хисоблансан;

г) Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомга 4-иловада «субъектлар» устунидаги «лицензия талабори — юридик шахс, жисмоний шахс» блокидан «жисмоний шахс» сўзлари чиқариб ташлансан.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги Давлат бюджети асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида» 2001 йил 31 декабрдаги 490-сон қарорининг 20-бандида «болаларнинг мактабгача болалар муассасаларидаги таъминоти ва» сўзлари чиқариб ташлансан, «28 ва 29-иловалар» сўзлари «29-илова» сўзлари билан алмаштирилсан.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 98-модда):

а) 4-банднинг «а» кичик банди олтинчи хатбошига «шунингдек коммунал хўжалик тизими корхоналари учун фаолият хусусиятига кўра иссиқлик энергияси, сув ва табиий газнинг харид қиймати ҳажмлари чиқариб ташланган ҳолда» сўзлари кўшилсан;

б) қарорга 3-илованинг 27-банди «а» кичик бандининг олтинчи хатбошидаги биринчи жумлага «шунингдек коммунал хўжалик тизими корхоналари учун фаолият хусусиятига кўра иссиқлик энергияси, сув ва табиий газнинг харид қиймати ҳажмлари чиқариб ташланган ҳолда» сўзлари қўшилсан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

191 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 27 сентябрдаги ПФ-3491-сон Фармонига, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 5 апрелдаги 96-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувоғиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 6 июль,
156-сон

Вазирлар Махкамасининг
2005 йил 6 июлдаги 156-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Махкамасининг 1992 йил 28 августдаги 401-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1992 й., 8-сон, 29-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирини тайёрлаш ва уни кўплаб ишлаб чиқариш тартибининг З-бандига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

2. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1993 йил 18 мартағи 144-сон қарорининг 13 ва 14-бандларида «Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг» сўзлари «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» сўzlари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини тақдирлаш ва моддий рафбатлантириш тўғрисида» 1993 йил 25 мартағи 157-сон қарорида:

а) Республика олимпиадалари, танловлари ва спорт мусобакаларини ўтказиш тўғрисидаги низомда (4-илова):

1-банда «Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси» сўzlари «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўzlари билан алмаштирилсин;

4-банда:

тўртинчи ва ўн иккинчи хатбошига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўзлари қўшилсин.

ўн учинчи хатбошида «маҳаллий маданият органлари ва Маданият ишлари вазирлиги» сўzlари «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда унинг худудий бўлинмалари» сўzlари билан алмаштирилсин;

5-банда:

еттинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўzlари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошида «жисмоний тарбия ва спорт» ва «Давлат спорт қўмитаси» сўzlари тегишли равища «маданият ва спорт ишлари» ва «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўzlари билан алмаштирилсин;

7-банда «Маданият ишлари вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси» сўzlари «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўzlари билан алмаштирилсин;

9-бандда «Маданият ишлари вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси» сўзлари «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобакалари ғолиблари бўлган мактаб ва билим юрти ўкувчиларини рафбатлантириш тартиби (5-илюва)нинг 9, 10, 13, 14, 16 ва 17-бандларида «Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига», «Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси» сўзлари «Маданият ва спорт ишлари вазирлигига», «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Махкамасининг «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида» 1994 йил 23 декабрдаги 618-сон қарорида:

а) 3-бандда «Ўзикиқболстат» давлат қўмитаси» сўзлари «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин, «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўзлари кўшилсин.

б) 1-иловада:

илованинг номланишига, биринчи ва ўн саккизинчи хатбошига «ва спорт» сўзлари кўшилсин;

иккинчи хатбошида «Маданият ишлари вазирлигининг музейлари» сўзлари «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданий-маърифий муассасалари, кутубхоналари ва музейлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбошида «давлат уюшмаси» сўзлари «давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни кўллаб-куvvatlash ва рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармонини амалга ошириш масалалари ҳақида» 1995 йил 28 октябрдаги 415-сон қарорида:

а) 5-бандда «Ўзикиқболстат» давлат қўмитаси» сўзлари «Иқтисодиёт вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин, «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўзлари кўшилсин.

б) 9-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. «Ўзбекистон ҳаво ўйлари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси, «Тошшаҳарийўловчitrans» акциядорлик компанияси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлигига Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг таклифиға биноан Ўзбекистон Республикасига гастролга келувчи жамоалар ва алоҳида ижрочиларнинг транспортда юриши, яшashi, овқатланиши учун миллий валюта (сўм)да ҳақ олишга руҳсат берилсин».

6. Вазирлар Махкамасининг 1996 йил 13 августдаги 280-сон қарори билан тасдиқланган Бarter асосида экспорт қилиш тақиқланган юқори ликвидли товарлар рўйхатининг 49-бандига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўзлари қўшилсин.

7. Вазирлар Махкамасининг «Олимпия шон-шуҳрати музейини ташкил этиш тўғрисида» 1996 йил 14 августдаги 284-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 8-сон, 23-модда):

а) 4-бандда «Давлат спорт қўмитаси» сўзлари «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Олимпия шон-шуҳрати музейи тўғрисидаги низомнинг 2-банди биринчи ва иккинчи хатбошига, 6-бандининг учинчи хатбошига, 8-бандига, 9-банднинг биринчи

ва учинчи хатбошига, 12-бандининг тўртинчи хатбошига ва 15-бандига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

8. Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 25 февралдаги 106-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Ички сув транспорти уставининг 21-банди бешинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси» сўzlари «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўzlари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Махкамасининг «Шарқ тароналари» халқаро мусикий фестивалини ўтказиш тўғрисида» 1997 йил 11 мартағи 132-сон қарорининг 1-банди биринчи ва тўртинчи хатбошига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

10. Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 31 мартағи 137-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича экспорт ва импорт қилинадиган маҳсус товарлар (ишлар ва хизматлар) рўйхатининг 2 ва 5-бандларига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

11. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон футболни ривожлантириш жамғармаси фаолиятини яхшилаш ва уни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 6 июляғи 283-сон қарорининг 8-бандига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

12. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши масалаларини тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 23 мартағи 131-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1999 й., 3-сон, 15-модда):

а) 2 ва 4-бандларда «Маданият ишлари вазирлигидан», «Маданият ишлари вазирлигининг» сўzlари тегишли равища «Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан», «Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тартиби тўғрисидаги низомда (1-илова):

1, 9-бандларда, 10-банднинг биринчи хатбошида, 11-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошида, 14-бандда, 15-банднинг биринчи ва учинчи хатбошида, 16-бандда, 17-банднинг биринчи хатбошида, 18-банднинг биринчи хатбошида, 19, 21, 22-бандларда, 23-банднинг биринчи хатбошида, мазкур Низомга 1, 1а-иловаларда, 7-илованинг 19-бандида «гувоҳнома», «гувоҳномалар», «гувоҳномани» сўzlари тегишли равища «сертификат», «сертификатлар», «сертификатни» сўzlари билан алмаштирилсин;

5, 7, 8, 9-бандларга, 10-банднинг биринчи хатбошига, 11-банднинг биринчи хатбошига, 14-банд, 15-банднинг учинчи хатбошига, 25-банднинг биринчи хатбошига, 26, 27-бандларга, 29-банднинг биринчи хатбошига, мазкур Низомга 1, 1а ва 2-иловаларга «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин;

в) 4-банднинг биринчи хатбошида, 5-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошида, 11, 13-бандларда ва Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларни реализация қилишда қатнашувчи юридик шахсларга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомга (2-илова) «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

13. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 27 майдаги 271-сон қарорида:

а) Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастури концепцияси (1-илова) II бўлимининг тўртинчи хатбошида, V бўлимининг бешинчи хатбошида ва VI бўлимининг еттинчи хатбошида «Давлат жисмо-

ний тарбия ва спорт қўмитаси», «Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасига» сўзлари тегишли равища «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги», «Маданият ва спорт ишлари вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Ўзбекистон Республикасида Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш тадбирларида (2-илова):

4, 18, 19, 32, 34, 35, 36, 41 ва 50-бандларда «Давлат спорт қўмитаси» сўзлари тегишли равища «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

23 ва 24-бандларда «Давлат спорт қўмитаси» сўзлари чиқариб ташлансин, «Маданият ишлари вазирлиги» сўзлари «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Мажкамасининг «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари га қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 12 июлдаги 342-сон қарорида:

а) Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасалари бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги низомда (1-илова):

12-банднинг иккинчи хатбошига «Маданият ишлари вазирлиги» сўзлари «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўзлари қўшилсин.

18-банднинг биринчи хатбошида «Маданият ишлари вазирлиги, Давлат спорт қўмитаси», сўзлари «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари га ўқувчиларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги низомнинг (3-илова) 15-банди биринчи хатбошида «Маданият ишлари вазирлиги, Давлат спорт қўмитаси» сўзлари «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Мажкамасининг 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1999 й., 10-сон, 62-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий архив иши тўғрисидаги низомга илованинг ўн учинчи хатбошига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўзлари қўшилсин.

16. Вазирлар Мажкамасининг 2000 йил 26 июндаги 243-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 6-сон, 32-модда) билан тасдиқланган «Реклама тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талаблари бажарилишини таъминлаш юкланган давлат бошқаруви органлари ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари рўйхатининг 2-бандида «Маданият ишлари вазирлиги, Давлат спорт қўмитаси» сўзлари «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Мажкамасининг 2000 йил 14 августдаги 320-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 8-сон, 52-модда) билан тасдиқланган Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типидаги посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни куриш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5.2-банди иккинчи хатбошига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўзлари қўшилсин.

18. Вазирлар Мажкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш хақида» 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 9-сон, 60-модда):

а) 7-бандда «Давлат спорт қўмитаси» сўзлари «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада «Махситов Б.М. — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси» сўзлари «Юсупов К.Т. — Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Мажкамасининг «Вазирлар Мажкамасининг эстрада қўшиқчилик

санъатини янада ривожлантириш тўғрисида» 2001 йил 26 июндаги 272-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001, 6-сон, 32-модда) 2-банди еттинчи хатбошига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 29 июлдаги 269-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 45-модда):

а) Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (3-илова) 6, 20, 28, 29-бандларига, 30-бандининг иккинчи хатбошига, 36, 41, 43-бандларига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловада:

1-схемага «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

1-схемага изоҳларнинг 2, 5, 6 ва 7-бандларига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин;

1-схемага изоҳларнинг 8-бандида «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасига» сўзлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасига» сўzlари билан алмаштирилсин;

2-схемага «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин;

2-схемага изоҳларнинг 2, 5, 6 ва 7-бандларида «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин;

2-схемага изоҳларнинг 8-бандида «Ўзгеодезкадастр» бош бошқармасига» сўзлари «Ўзгеодезкадастр» давлат қўмитасига» сўzlари билан алмаштирилсин;

в) Маданий мерос объектларининг тарихий-маданий экспертизаси тўғрисидаги низомнинг (4-илова) 4-банди биринчи ва учинчи хатбошига, 5-бандига, 8-бандининг иккинчи хатбошига, 11-бандига, 19-бандининг иккинчи хатбошига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат кансерваторияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 5 сентябрдаги 315-сон қарорининг 7-банди учинчи хатбошига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 63-модда) «Давлат спорт қўмитаси» сўzlари «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўzlари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатишни, грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг (2-илова) 2-банди учинчи хатбошига ва 16-бандининг биринчи хатбошига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин:

а) Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг (2-илова) 2-банди учинчи хатбошига ва 16-бандининг биринчи хатбошига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

б) Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш схемасининг «Субъектлар» ва «Тадбирлар» устунларига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг концерт заллари ва саройларини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 30 январдаги 43-сон қарорининг 5-бандига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорида:

а) 1-иловада «Азизхўжаев А.А. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари» сўzlари «Қосимов Р.С. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири» сўzlари билан алмаштирилсин, «Қосимов Р.С. — Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири» сўzlари чиқариб ташлансин, «Зокиров Ф.К. — Маданият ишлари вазири вазифасини бажарувчи» сўzlари «Азизхўжаев А.А. — Маданият ва спорт ишлари вазири» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 27-иловада «Давлат спорт қўмитаси раиси» сўzlари «Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринbosари» сўzlари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Ҳомийлик кенгаши таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида» 2004 йил 27 августдаги 407-сон қарорига иловада «Юсупов К.Т. — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси» сўzlари «Азизхўжаев А.А. — Маданият ва спорт ишлари вазири» сўzlари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 августдаги 410-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 88-модда) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 8-банди тўққизинчи хатбошида «Давлат спорт қўмитаси» сўzлари «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўzlари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари — Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири бошчилик қиласидаги республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 4 ноябрдаги 519-сон қарорига 4-илова ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 апрелдаги 96-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сонлар, 20-модда) Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 15-бандида «9» рақами «15» рақами билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

192 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 27 сентябрдаги ПФ-3491-сон Фармонига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

ликаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» 2005 йил 5 апрелдаги 96-сон қарорининг З-бандига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 6 июль,
157-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 6 июлдаги 157-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 13 январдаги 11-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат театр-томуша муассасаларининг мақомида:

кириш қисмининг тўртинчи ва ўн биринчи хатбошида, 2, 4-бандларида, 10-банднинг биринчи хатбошида, 11, 13, 15-бандлари, 17-банднинг «б» кичик бандида ва IV-бўлимнинг биринчи хатбошида «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт ишлари» сўzlари қўшилсин;

18-банднинг ўн олтинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«четдан келадиган театр-томуша муассасаларига республика худудида гастролда бўлиш учун гувохнома бериш ҳуқуқи факат Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига (театр жамоаларига), М. Қориёқубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармониясига (концерт-филармония жамоаларига), «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасига (эстрада жамоаларига) берилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика музейлари фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1995 йил 26 июндаги 236-сон қарорида:

а) Ўзбекистон Республикасининг музей бойликлари фонди тўғрисидаги низомнинг 1.2-бандига, 3.1-бандининг биринчи хатбошига, 3.3-бандига, 3.4-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошига, 3.5-бандига, 4.1-бандининг иккинчи хатбошига, 5.3, 7.3 ва 7.5-бандларига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт ишлари» сўzlари қўшилсин;

б) Ўзбекистон Республикаси давлат музейларида сакланаётган музей бойликларини рўйхатга олиш, уларни жамлаш ва саклаш тўғрисидаги йўриқноманинг 2.2, 2.9, 2.11, 2.13-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошига, 3.1, 3.3-бандларига, 6.4-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт ишлари» сўzlари қўшилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон қўшиқ байрами тўғрисида» 1996 йил 18 ноябрдаги 403-сон қарорида:

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

а) 1, 5-бандларга «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин, шунингдек 5-банддаги «Ижтимоий таъминот» сўzlари «Мехнат ва аҳолини ижти-моий муҳофаза қилиш» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) Ўзбекистон қўшик байрами тўғрисидаги низомнинг 1-бандидаги «Ижтимоий таъминот» сўzlари «Мехнат ва аҳолини ижти-моий муҳофаза қилиш» сўzlари би-лан алмаштирилсин, шунингдек, «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 21 февралдаги 101-сон қарорида:

а) 3-бандга ва 7-банднинг биринчи хатбошига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин;

б) Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ва 18-бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Музейлар фаолиятини қўллаб-куватлаш масалалари тўғрисида» 1998 йил 5 мартағи 98-сон қарори-нинг 3 ва 5-бандларига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин, шунингдек 5-бандда «Макроиктисодиёт ва статистика» сўzlари «Иқтисодиёт» сўzlари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 22 май-даги 223-сон қарорида:

а) 3-бандда:

бешинчи хатбошидаги «Маданият ишлари вазирининг ўринбосари» сўzlари чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбошига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин;

б) «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси тўғрисидаги низомнинг 1, 3, 20-бандларига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 августдаги 334-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъододлар учун «Ниҳол» мукофоти низомининг 4-бандига «Маданият» сўзидан кейин «ва спорт» сўzlари қўшилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқувчи ва талаба ёш-ларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 3 июняғи 244-сон қарорида:

а) 1-бандда ва 6-банднинг биринчи хатбошида «Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси» сўzlари «Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг биринчи хатбошидан «Маданият ишлари вазирлиги» сўzlари чиқариб ташлансин;

в) Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг Республика финал босқичини ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита таркибида (2-илова) «Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси» сўzlари «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири-нинг биринчи ўринбосари» сўzlари билан алмаштирилсин, шунингдек, «Зокиров Ф.К. — Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг ўринбосари» сўzла-ри чиқариб ташлансин.

г) Ўзбекистон Республикаси касб-хунар коллажлари ва академик лицейлари

ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг Республика финал босқичини ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита таркибида (3-илова) «Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин, шунингдек, «Зокиров Ф.К. — Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг ўринбосари» сўзлари чиқариб ташлансин.

д) Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада» спорт мусобақаларининг Республика финал босқичини ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита таркибида (4-илова) «Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин, шунингдек, «Зокиров Ф.К. — Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг ўринбосари» сўзлари чиқариб ташлансин.

БЕШИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

193 Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта учун бўнаклаш ва ҳисоб-китоб қилиш мақсадларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб **Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
6 июлда 1149-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 16 июлдан кучга киради)

Жаҳон бозорида пахта толаси нархининг пасайиши муносабати билан «Ўзпахтасаноат» уюшмаси корхоналарини молиявий қўллаб-куватлаш мақсадида **қарор қиласиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг 2002 йил 25 майдаги 66 ва 218-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта учун бўнаклаш ва ҳисоб-китоб қилиш мақсадларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (2002 йил 12 июнь, рўйхат раками 1149 — Меъерий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 11-12-сон, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 7-сон, 93-модда; 2004 й., 45-46-сон, 483-модда) қўшимча иловага* мувофиқ киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 июнь,
52-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Марказий банк Башқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 8 июнь,
218-В-3-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

194 Ахолига қонун ҳужжатларига мувофиқ бепул тиббий ёрдам кўрсатаётган стационар даволаш муассасалари учун дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиб олиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 6 июлда 1487-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2005 йил 16 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 19-сонли «Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг КТ, 1-сон, 4-мода) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қиласди**:

1. Илова қилинаётган Ахолига қонун ҳужжатларига мувофиқ бепул тиббий ёрдам кўрсатаётган стационар даволаш муассасалари учун дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиб олиш тўғрисидаги низом тасдиқлансан.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 21 июнь,
56-сон

Соғлиқни сақлаш вазири Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 21 июнь,
4-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

Молия вазирлиги, Соғлиқни
сақлаш вазирлигининг
2005 йил 21 июнданги 56, 4-сон
қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Аҳолига қонун хужжатларига мувофиқ бепул
тиббий ёрдам кўрсатаётган стационар даволаш муассасалари
учун дори-дармон воситалари ва тибиёт буюмларини
харид қилиш тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 19-сонли «Дори-дармон воситалари ва тибиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг КТ, 1-сон, 4-модда) асосан ишлаб чиқилган ҳамда амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ аҳолига бепул тиббий ёрдам кўрсатаётган Ўзбекистон Республикасининг стационар даволаш муассасалари учун дори-дармон воситалари ва тибиёт буюмларини давлат бюджети маблағлари хисобига сотиб олиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ аҳолига бепул тиббий ёрдам кўрсатаётган стационар (даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология) даволаш муассасалари учун давлат бюджети маблағлари хисобига дори-дармон воситалари ва тибиёт буюмларини сотиб олиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармалари, уларнинг шаҳарлар ва туманлардаги бўлинмалари ҳамда тибиёт-санитария хизматларининг кафолатланган хажми доирасида аҳолига бепул тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлайдиган юридик шахс мақомига эга бўлган даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология муассасалари (кейинги ўринларда — буюртмачилар деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

2. Тибиёт-санитария хизматларининг кафолатланган хажми қўйидагиларни ўз ичига олади:

- а) шошилинч, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш;
- б) соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида ва бир катор давлат даволаш-профилактика муассасаларида, энг аввало қишлоқ жойларда тиббий хизматлар кўрсатиш;
- в) бир қанча юқумли касалликларга қарши аҳолини иммунизация ва вакцинация қилиш;
- г) ижтимоий аҳамиятга молик бўлган касалликлар ва атрофдагилар учун хавф туғдирадиган касалликлар(сил, онкологик, психиатрик, наркологик, эндокринологик, инфекцион, таносил касаллиги, ОИТС, махов ва касб касаллигига чалинган беморлар) бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;
- д) болаларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва даволаш (пуллик касалхоналардан ташқари);
- е) чақириқ комиссияларининг йўлланмалари бўйича 15—17 ёшли ўсмирларни ва чақириқ ёшдаги шахсларни (18—27 ёш) тиббий кўриқдан ўтказиш ва даволаш;
- ж) тугруққа ёрдам бериш хизматлари (пуллик муассасалардан ташқари);

з) давлат даволаш-профилактика муассасаларида имтиёзли тоифага кирувчи мижозларни (ногиронлар, уруш фахрийлари, гирт етимлар) даволаш.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳам резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик шахслар ахолига амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ бепул тиббий хизмат кўрсатаётган стационар даволаш муассасалари учун дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари етказиб берувчилари бўлиши мумкин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ахолига бепул тиббий ёрдам кўрсатаётган даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология муассасаларининг буюртмалари асосида ҳалқаро патентланмаган номлар бўйича дори-дармон воситаларига ҳамда ушбу муассасаларининг ихтисосли формулярларига киритилган фармацевтика маҳсулотларига келгуси йил учун давлат буютмасини тузади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларга давлат буютмасини кўриб чиқади ҳамда буюртма суммасини келгуси молиявий йил учун Давлат бюджети лойиҳасига киритади.

Навбатдаги молиявий йилга Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тасдиқлангандан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу мақсадлар учун бюджетдан ажратилган маблағлар ҳажмини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига маълум қиласди.

II. Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиб олиш ва уларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш тартиби

6. Амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ ахолига бепул тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиб олишга тайёргарлик кўриш ва сотиб олиш қонун хужжатларida белгиланган тартибда таъминланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун дори-дармон воситаларини ва тиббиёт буюмларини сотиб олиш, шунингдек, уларни давлат эҳтиёжлари учун импорт қилиш, ушбу мақсадлар учун бюджетдан ажратилган ҳажмлардан келиб чиқиб, очиқ тендер савдоларида амалга оширилади.

8. Наркоз учун вакциналар, зардоблар, препаратлар ҳамда наркотик моддаларни харид қилиш ёпиқ тендер савдоларида амалга оширилади.

9. Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини республика ишлаб чиқарувчиларидан харид қилиш, қоидага кўра, даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология муассасалари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга оширилади.

Битта шартнома бўйича қиймати 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини харид қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарорига мувофиқ тендер асосида амалга оширилади.

10. Шифохоналар учун дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари импорти, одатда, чакана дорихоналарда сотиладиган дори препаратлари ўрамларидан фарқ қиласидиган ностандарт (ангро) идишларда амалга оширилади.

11. Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига, шунингдек бепул тиббий ёрдам кўрсатиш учун даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология муассасаларининг ихтисосли формулярларига киритилган фармацевтика маҳсулотларига эҳтиёжни аниқлаш, уларни даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология муасса-

саларида сақлаш, улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология муассасаларида мазкур Низомнинг ижро этилишини таъминлашни назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Назорат инспекциясига юкланди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ
АЛОҚАЛАР АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ**

195 **Давлат мулкчилик шаклидаги юридик шахслар томонидан чет элда корхоналар ташкил этиш, устав фондида иштирок этиш, қайта ташкил этиш ва корхоналарни тугатиш, чет эллардаги давлат мулкини сотиб олиш ва тасарруф этиш масалаларини келишиш ҳамда чет элдаги давлат мулкини сақланиши ва уларнинг самарали бошқарилиши устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
6 июлда 1488-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 16 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 июлдаги 325-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кадрлар потенциалини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2003 йил, 7-сон, 67-бет)ни бажариш максадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги **қарор қиласди**:

1. Чет элларда корхоналар ташкил этиш (тъисисчи сифатида қатнашиш), қайта ташкил этиш ва корхоналарни тугатиш, чет эллардаги давлат мулкини сотиб олиш ва тасарруф этиш масалаларини келишиш ҳамда чет эллардаги давлат мулкини сақланиши ва уларнинг самарали бошқарилиши устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан бошлаб 10 кундан кейин кучга киради.

Давлат мулки қўмитаси раиси М. АСҚАРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 2 июнъ,
01/06-18/02-сон

Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги раиси Н. НАЖИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 2 июнъ,
НН-01/10-2454-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**196 Ногиронлар ва пенсионерларни санатория-курорт
сиҳатгоҳ йўлланмалари билан бепул таъминлаш тар-
тиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
6 июлда 1489-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 16 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисида»ги Конунини, Мустакил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг 1994 йил 15 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлари, бошқа давлатлар ҳудудида олиб борилган жанговар харакат қатнашчилари, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи оиласлари имтиёзларни ҳамда кафолатларни ўзаро тан олиш» Битимининг ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиласиз:**

1. Иловада* келтирилган Ногиронлар ва пенсионерларни санатория-курорт йўлланмалари билан бепул таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг 1999 йил 12 январдаги «Санатория-курорт ва дам олиш уйларига бериладиган йўлланмалар-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ни режалаштириш, тақсимлаш, сақлаш ва ҳисобини олиб бориш ҳақида»ги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги 4-сон бўйруғи бекор қилинсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 май,
99-сон

Молия вазири С. РАҲИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 май,
44-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

197 Кимёвий ва биологик маҳсулотларга буюртманомаларни шакллантириш ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини улар билан таъминлаш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
6 июлда 1490-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 16 июлдан кучга киради)

Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 29 марта «Ўсимликларни химоя қилиш хизмати тузилмасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 148-сонли қарорининг 4-банди ижросини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини биологик ва кимёвий воситалар билан ўз вақтида таъминланишини яхшилаш мақсадида **буюраман**:

1. Кимёвий ва биологик маҳсулотларга буюртманомаларни шакллантириш ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини улар билан таъминлаш тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур буйруқ Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан 10 кун ўтгач кучга киритилсан.

3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилишни вазир ўринбосари О.

Оллаберганов ва Республика ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимё маркази Бош директори Т. Сатторовлар зиммасига юклатилсин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири С. ИСМАИЛОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 4 май,
115-сон

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг
2005 йил 4 майдаги 115-сонли
бўйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Кимёвий ва биологик маҳсулотларга буюртманомаларни шакллантириш ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини улар билан таъминлаш тартиби тўғрисида ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 мартағи «Ўсимликларни химоя қилиш хизмати тузилмасини такомилластириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 148-сонли қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини кимёвий ва биологик химоя қилиш маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва уларни таъминлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январдаги 33-сонли қарорида хамда «Минерал ўғитлар (аммиакли селитрадан ташқари), дефолиантлар ва бошқа кимёвий маҳсулотларни сотиш бўйича ярмарка савдоларини ўтказиш тўғрисида»ги низомда (2005 йил 16 февраль, рўйхат рақами 1450) белгиланган дефолиантлар ва бошқа кимёвий маҳсулотларга буюртманомаларни шакллантириш ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини улар билан таъминлаш тартибига нисбатан тадбиқ этилмайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур йўриқномада қўлланилган тушунчалар:

Маҳсулот — кимёвий воситалар, таъсир этувчи ва тўлдирувчи моддалар хусусиятлари хисобга олинган ҳолда полиэтилен, пластмасса ва металдан ясалган идишларга, картон кутиларга, полиэтилен, пропилен, қофоз ва бошқа қопларга жойланган, маҳсулот ва ишлаб чиқарувчи номи, муддати, Давлат кимё комиссиясида қайд қилинган рақами, қўлланилиши бўйича тавсия ва меъёрлари, идишдаги микдори (брутто, нетто) кўрсатилган ёрлиғи бор бўлган маҳсулот.

Биологик воситалар, микробиологик препаратлар ҳам юқоридаги каби ёрлиқقا эга бўлиши лозим. Биомаҳсулотлар-биолабораторияларда кўпайтириладиган энтомофаглар (фойдали ҳашоратлар трихограмма, бракон ва олтинкўз) шиша банкалар ва бошқа идишларда, номи лицензия ва чиқарилиш партияси рақами, сифат сертификати ва микдори кўрсатилган ёрлиқка эга бўлади.

Етказиб берувчи — Республика ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимё маркази ташкилотларига ва хўжаликларга кимёвий воситаларни (пестицидларни) етка-

зилишини амалга оширувчи ташкилотлар ва корхоналар (чет эл фирмалар, Навоий электрокимёзаводи ва бошқалар).

Сотиб оловчи — барча турдаги қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар.

Сотувчи — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ўсимликларни ҳимоя қилиш марказлари, туманлар отрядлари ва биолабораториялар.

Махсус омборхона — кимёвий ва биологик воситаларни сақлашга санитария руҳсати бўлган, санитария қоидалари ва гигиена меъёрлари талабларига жавоб берувчи вилоятлар марказлари, туман отрядлари ва хўжаликлар омборлари.

Кимёвий воситалар (пестицидлар) — ўсимлик зааркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларга қарши курашда ишлатиладиган кимёвий моддалар, шунингдек қишлоқ хўжалик ўсимликлари ривожининг регуляторлари ва дефолиантлари.

Биологик воситалар — ўсимлик зааркунандалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши курашда ишлатиладиган табиий организмларга айнан ўхшаш биологик моддалар, сунъий равишда яратилган мавжудотлар, генетик етиширилган ўсимлик ёки бошқа организм.

II. Ўсимликларни зааркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситаларига бўлган талабини шакллантириш

2. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази Республика ҳудудида фитосанитария назоратини олиб боради, қишлоқ хўжалиги экинлари зааркунандалари, касалликлари ва бегона ўтларни ривожланиши ва тарқалиши бўйича келгуси йилга дастлабки башорат маълумотларини тайёрлайди. Унинг асосида қишлоқ хўжалигини кимёвий воситаларга (пестицидларга) бўлган эҳтиёжини шакллантиради.

Бу ишлар қўйидаги муддатларда ва босқичма-босқич амалга оширилади:

туман ўсимликларни ҳимоя қилиш отрядлари туман хўжаликлиаридағи фитосанитария вазиятларни хисобга олган ҳолда заарали организмларни келгуси йилда ривожланиши ва тарқалиши бўйича дастлабки башорат маълумотларини тайёрлайди. Унинг асосида хўжаликларнинг ва туманнинг кимёвий ва биологик воситаларга бўлган эҳтиёжини аниқлайди, уни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан тасдиқлатади ва вилоят ўсимликларни ҳимоя қилиш марказига 15 июлга қадар тақдим этади;

туманларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ўсимликларни ҳимоя қилиш марказлари ўзларининг кимёвий ва биологик воситаларга бўлган талабномаларини ишлаб чиқади. Кимёвий воситаларга бўлган талабномалар вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошкармаси томонидан тасдиқланади ва 1 августга қадар Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё марказига топширилади;

Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ўсимликларни ҳимоя қилиш марказлари тақдим этган талабномаларни умумлаштиради, таҳлил қиласида ва асослантиради, республика қишлоқ хўжалигининг ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларига бўлган талабини Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига 1 сентябргача тақдим этади.

3. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан умумлаштирилган талабнома тегишли балансларни шакллантириш ҳамда қишлоқ хўжалигини кимёвий ва биологик воситаларга бўлган эҳтиёжи бўйича Республикада ишлаб чиқариш, им-

порт бўйича сотиб олиш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрлаш учун Иқтисодиёт вазирлигига ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясига 15 сентябрга қадар тақдим этилади.

4. Иқтисодиёт вазирлиги, белгиланган муддатларда, келгуси йилда ўсимликларни химоя қилиш воситаларини сотиб олиш ва ишлаб чиқариши маблағ билан таъминлаш бўйича қарор лойиҳасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига тақдим этади.

5. Вазирлар Махкамасининг қарори асосида Республика Ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимё маркази тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда 10 кун муддат ичидаги Тармоқлараро тендер комиссиясининг ишчи органи Ташкин иқтисодий алокалар агентлиги хузуридаги «Ўзбектендерконсалтинг» агентлигига кимёвий воситаларни сотиб олиш бўйича таклифлар беради.

6. Тармоқлараро тендер комиссияси томонидан ўтказилган тендерда фолиб деб топилган етказиб берувчилар тайёр кимёвий воситаларни Республика Ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимё марказига қарашли Республика хўжалик хисобидаги ўсимликларни химоя қилиш базаси акциядорлик жамияти ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниясига қарашли Навоий «Электрокимёзавод» қўшма корхонаси билан таъсир этувчи моддаларни сотиб олиш бўйича шартномалар тузадилар.

7. Республика Ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимё маркази тизимидағи Республика хўжалик хисобидаги ўсимликларни химоя қилиш базаси импорт бўйича олинадиган кимёвий воситаларни ва Навоий «Электрокимёзавод» қўшма корхонаси таъсир этувчи моддаларни республикага олиб келиш бўйича хужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштирадилар.

8. Навоий «Электрокимёзавод»га ва республикада кимёвий воситалар ишлаб чиқарувчи бошқа корхоналарга Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан буюртмалар берилади ва улар шу буюртманомалар асосида кимёвий воситаларни ишлаб чиқарадилар.

III. Кимёвий воситаларни қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига етказиб бериш

9. Навоий «Электрокимёзавод» қўшма корхонаси ва Республика хўжалик хисобидаги ўсимликларни химоя қилиш базаси ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситаларини етказиб бериш бўйича вилоят ўсимликларни химоя қилиш марказлари ҳамда вилоят чигирткага қарши курашиб хизматлари билан шартнома тузадилар.

10. Тузилган шартномалар асосида:

вилоят ўсимликларни химоя қилиш марказлари туман ўсимликларни химоя қилиш отрядлари билан ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситаларини етказиб бериш;

туман ўсимликларни химоя қилиш отрядлари қишлоқ хўжалик корхоналари билан ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситаларини етказиб бериш бўйича шартнома тузадилар.

11. Вилоят чигирткага қарши курашиб хизматлари қишлоқ хўжалик корхоналари билан ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситаларини етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузадилар.

12. Кимёвий воситаларни сақлаш ва қўллаш учун санитария паспортига эга бўлган, жиҳозланган ва сақланадиган омборхоналари бўлган хўжаликларга 6-8 кунга, бу шароити бўлмаган хўжаликларга 1 кунга етадиган микдорда сотилади.

13. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситаларини биринчи навбатда давлат эҳтиёжи учун етиштириладиган хўжаликларга етказиб беришни, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда унинг туман бўлимлари назоратга олади.

IV. Якуний қоидалар

14. Кимёвий воситалар ишлатилгандан кейин, унинг бўшаган идишларини зарарсизлантириш ва йўқотиш (утилизация қилиш) вилоят санитария-эпидемиология стансиялари ва табиатни муҳофаза қилиш қўмиталарининг масъул ходимлари билан биргаликда далолатномалар тузилиб, атроф-мухит учун хавфсиз бўлган маҳсус ажратилган жойларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

15. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамда «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси билан келишилган.

«Келишилди»

Иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2005 йил 2 май

Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги раиси Н. НАЖИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 2 май

**«Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви
раиси F. ИБРАГИМОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 2 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

198 Уй-жойларни Ўзбекистон давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки «Ўзуйжойжамғармабанк» муассасалари орқали сотиб олиш тартиби тўғрисидаги низом ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида

(2005 йил 6 июлда 101-мҳ-сон билан давлат реестридан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 31 майдаги 138-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 22 июлдаги 366-сонли «Уй-жой қурилиши давлат томонидан қўллаб-кувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотганлиги муносабати билан **қарор қиласиз**:

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва «Ўзуйжойжамғармабанк» Бошқаруви томонидан 1998 йил 1 июлда 77-В-сон, 1998 йил 11 июня 34-сон ва 1998 йил 20 февралда 16 / 1-сон билан тасдиқланган «Уй-жойларни Ўзбекистон давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки «Ўзуйжойжамғармабанк» муассасалари орқали сотиб олиш тартиби тўғрисида»ги низом (1998 йил 23 сентябрь, рўйхат рақами 492).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлигининг «Уй-жойларни Ўзбекистон давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки «Ўзуйжойжамғармабанк» муассасалари орқали сотиб олиш тартиби тўғрисида»ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2002 йил 22 ноябрдаги 77-В, 135-сонли қарори (2002 йил 2 декабрь, рўйхат рақами 492-1).

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига «Уй-жойларни Ўзбекистон давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки «Ўзуйжойжамғармабанк» муассасалари орқали сотиб олиш тартиби тўғрисида»ги низомни (1998 йил 23 сентябрь, рўйхат рақами 492) ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни (2002 йил 2 декабрь, рўйхат рақами 492-1) Давлат реестридан чиқариш учун тақдим этилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 июнь,
13/14-сон

Молия вазири С. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 июнь,
60-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2005 й.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
«САНОАТКОНТЕХНАЗОРАТ» ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИННИГ
ҚАРОРИ

**199 Портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш,
сақлаш, транспортда ташиш, улардан фойдаланиш ва
уларни ҳисобга олиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
8 июлда 1491-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 18 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 6 майдаги 213-сонли «Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, транспортда ташиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-бандига мувофиқ **карор қиласиз:**

1. Портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, транспортда ташиш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш тўғрисидаги йўриқнома иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур карор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.
3. Мазкур қарорнинг кучга кириш кунидан бошлаб Портловчи моддаларни сақлаш, транспортировка қилиш, ишлатиш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Йўриқнома (1992 йилдаги давлатлараро Портлатиш ишларида қўлланиладиган ягона хавфсизлик қоидаларига 1-илова) Ўзбекистон Республикаси худудида қўлланилмасин.
4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бош бошқармаси ҳамда «Саноатконтехназорат» Давлат инспекциясининг тармок инспекциялари портлатиш ишларини олиб борувчи корхоналар билан ҳамкорликда Йўриқнома талабларидан келиб чиккан ҳолда портловчи материаллар сақланадиган омборхоналарда кириб-чиқиш ва ички режимларни кучайтириш, уларда асоссиз текширувларга йўл қўймаслик борасида аниқ чора-тадбирларни амалга оширсинлар.

Ички ишлар вазири З. АЛМАТОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 май,
3-сон

«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғи Р. САИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 май,
78-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
«САНОАТКОНТЕХНАЗОРАТ» ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИННИГ
ҚАРОРИ

200 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида портловчи материалларни автомобил транспортида ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
8 июлда 1492-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 18 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 6 майдаги 213-сони «Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, транспортда ташиш, саклаш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-бандига мувофиқ қарор қиласиз:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида портловчи материалларни автомобил транспортида ташиш қоидалари иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

3. Мазкур қарорнинг кучга кириш кунидан бошлаб:

собиқ СССРнинг Тоғконтехназорат Давлат қўмитаси томонидан 1988 йилнинг 22 ноябрь куни тасдиқланган Портловчи материалларни автомобил транспортида ташиш қоидалари;

Портловчи материалларни ташиш бўйича Йўриқнома (1992 йилдаги давлатларо Портлатиш ишларида кўлланиладиган ягона хавфсизлик қоидаларига 5-илова) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўлланилмасин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ўёл ҳаракати хавфсизлиги, Патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини саклаш Бош бошқармалари ҳамда «Саноатконтехназорат» Давлат инспекциясининг тармоқ инспекциялари зиммаларига юклатилсан.

Ички ишлар вазири З. АЛМАТОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 май,
4-сон

«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиғи Р. САИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 май,
79-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

201 Ўзбекистон Республикаси худудида портловчи материалларни темир йўл транспортида ташиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
8 июнда 1493-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2005 йил 18 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъцкамасининг 2004 йил 6 майдаги 213-сонли «Портловчи моддалар ва портлатиш воситаларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, транспортда ташиш, саклаш ва улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-бандига мувофиқ қарор қиласиз:

1. Ўзбекистон Республикаси худудида портловчи материалларни темир йўл транспортида ташиш қоидалари иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Патрул-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бош бошқармаси, Транспорт ИИБ ҳамда «Саноатконтехназорат» Давлат инспекциясининг тармоқ инспекциялари зиммаларига юклатилсин.

Ички ишлар вазири З. АЛМАТОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 май,
5-сон

«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлиги Р. САИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 май,
80-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2005 йил 2 июлдан 8 июлгача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Пахта толасининг жаҳон ва ички нархлари ўртасида вужудга келадиган манфий фаркни қоплаш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшимасининг 2005 йил 23 майдаги 48, НН-01/15-31-дсп, 02/1114-сонли қарори (хизматда фойдаланиш учун).

2005 йил 6 июлда 1486-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 16 июлдан кучга киради).

2. «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта учун бўнаклаш ва ҳисобкитоб қилиш мақсадларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармаси томонидан ажратилган маблағларни қайтариш учун пахта толасини сотишдан тушаётган маблағларни аккумуляция қилиш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2005 йил 8 июндаги 52, 218-В-З-сон қарори.

2005 йил 6 июлда 1149-З-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 16 июлдан кучга киради).

3. «Ахолига қонун ҳужжатларига мувофиқ бепул тиббий ёрдам кўрсатаётган стационар даволаш мусассасалари учун дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиб олиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2005 йил 21 июндаги 56, 4-сон қарори.

2005 йил 6 июлда 1487-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 16 июлдан кучга киради).

4. «Давлат мулкилил шаклидаги юридик шахслар томонидан чет элда корхоналар ташкил этиш, устав фондида иштирок этиш, қайта ташкил этиш ва корхоналарни тугатиш, чет эллардаги давлат мулкини сотиб олиш ва тасарруф этиш масалаларини келишиш ҳамда чет элдаги давлат мулкини сақланиши ва уларнинг самарали бошқарилиши устидан мониторинг олиб бориши тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг 2005 йил 2 июндаги 01/06-18/02, НН-01/10-2454-сон қарори.

2005 йил 6 июлда 1488-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 16 июлдан кучга киради).

5. «Ногиронлар ва пенсионерларни санатория-курорт йўлланмалари билан бе-

пул таъминлаш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 24 майдаги 99, 44-сон қарори.

2005 йил 6 июлда 1489-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 16 июлдан кучга киради).

6. «Кимёвий ва биологик маҳсулотларга буортманомаларни шакллантириш ва қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини улар билан таъминлаш тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2005 йил 4 майдаги 115-сонли буйргузи.

2005 йил 6 июлда 1490-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 16 июлдан кучга киради).

7. «Портловчи моддаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, транспортда ташиш, улардан фойдаланиш ва уларни хисобга олиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг 2005 йил 25 майдаги 3, 78-сонли қарори.

2005 йил 8 июлда 1491-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 18 июлдан кучга киради).

8. «Ўзбекистон Республикаси худудида портловчи материалларни автомобиль транспортида ташиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг 2005 йил 25 майдаги 4, 79-сон қарори.

2005 йил 8 июлда 1492-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 18 июлдан кучга киради).

9. «Ўзбекистон Республикаси худудида портловчи материалларни темир йўл транспортида ташиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг 2005 йил 25 майдаги 5, 80-сон қарори.

2005 йил 8 июлда 1493-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2005 йил 18 июлдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Уй-жойларни «Ўзуйжойжамғармабанк» муассасалари орқали сотиб олиш тартиби тўғрисида низом, 1-сонли ўзгартиришлар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Башқаруви, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 492, 1998 йил 23 сентябрь; 2002 йил 2 декабрь 492-1).

Адлия вазирининг 2005 йил 6 июлдаги 101-мҳ-сон буйргузи билан реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди:

1. Технологик йўриқномалар ва рецептураларни ишлаб чиқариш, келишиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиби. Ўздавстандарт агентлигининг 2000 йил 1 январдаги 12-255-сон қарори билан тасдиқланган.

Ушбу хужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган хужжат сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.